



# O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ  
VATAN —  
BARCHAMIZNIKI!

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2010-yil • 12-iyun • Shanba • 69 (31.189) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan  
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz www.uzbekistonovozi.uz



## ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти тартиб-қоидаларига биноан ҳар йили аъзо мамлакатлардан бири унга раис бўлади. 2009 йил Екатеринбург саммитидан кейин ШХТга раислик Ўзбекистон Республикасига ўтди. Таомилга биноан раислик қилувчи давлат ўз ҳудудида навбатдаги саммитни ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Кўрсарой қароргоҳида 11 июнь кuni Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги, ўнинчи мажлиси бўлиб ўтди.

ШХТ саммити ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви билан бошланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов, Қозғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао, Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон, Қирғизистон Республикаси ташқи ишлар вазири вазирасини бажарувчи Руслан Казакбаев иштирок этди.

(Давоми 2-бетда.)

## САМАРАЛИ МУЗОКАРАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 11 июнь кuni Кўрсаройда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тошкент Саммитида кузатувчи сифатида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Покистон Ислоҳ Республикаси Президенти Осиф Али Зардорий билан учрашди.

Мамлакатларимиз халқлари тарихан мустаҳкам дўстлик ришталари билан боғланган, урф-одатларимиз ва маданиятимиз ўхшаш, улуг аждодларимизнинг мероси умумий бойлигимиз саналади. Бугунги кунда Ўзбекистон — Покистон муносабатлари ана шу аънавий дўстлик асосида ривожланмоқда, — деди Ислоҳ Каримов.

(Давоми 2-бетда.)



## Тинчлик йўлида саёҳат

Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида 10 июнь кuni «Буюк ипак йўли — тинчлик йўлида саёҳат» мавзусидаги халқаро кўرғазма очилди. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Тошкент Саммити доирасида ташкил этилган ушбу тадбирда Ўзбекистон, Хитой, Россия, Бангладеш, Миср, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон каби мамлакатлардан кўплаб рассомларнинг асарлари намойиш этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Ташқи ишлар вазириликла-

ри, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Ўзбекистон Бадиий академияси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда Хитой халқаро муаммоларни тадқиқ этиш жамғармаси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирнинг очилишида мамлакатимиз ва хорижий рассомлар, санъатшунос олимлар ва мутахассислар, юртимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус, халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

(ЎзА)

## Фракция фаолияти



## ҚОНУНЛАР ИЖРОСИНИ ЎРГАНИШ

ҳуқуқий асосларни такомиллаштиришга хизмат қилади



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон ХДП фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция аъзоларининг аҳоли билан яқинда ўтказган учрашувлари жараёнида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунни такомиллаштириш бўйича тушган таклифлар муҳокама этилди. Билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифларнинг таҳлили ушбу Қонуннинг айрим моддаларини қайта кўриб чиқиш, унга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш лозимлигини кўрсатди.

Депутатлар ушбу масала юзасидан ўз нуктаи назарларини билдирдилар. Қонунга қўшимча ва ўзгартиш киритиш ҳақидаги таклифларни шарҳладилар. Йиғилишда фракция аъзолари шуни алоҳида таъкидлашдики, аҳолининг хусусан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари раислиги ҳуқуқий саводхонлиги ошгани яққол сезилди. Илгари сайловчилар асосан маҳаллий аҳамиятга эга масалаларда баҳс юритган бўлса, эндиликда, қабул қилинган қонунларнинг ижроси, қайси қонунга ўзгартиш ёки қўшимча киритиш кераклиги, бугун қайси қонун лойиҳалари Олий Маж-

лис Қонунчилик палатасига кўриб чиқиши учун тақдим этилаётгани каби саволлар устида фикр юритмоқда, таклифлар айтишмоқда. Бу эса уларнинг қонун яратувчилик жараёнига таъсир этиш истаги ошганини кўрсатади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, ЎзХДП фракцияси аъзоси Абдуғаффор Қирғизбоевнинг фикрича, замон билан ҳамнафас бўлиш учун фуқаролар йиғинлари раислиги фақатгина «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунни билиш камлик қилади. Улар Ўзбекистон Республикаси мейёрий-ҳуқуқий қонунчилик базаси бўйича тўлиқ билимга эга бўлиши лозим. Бу борада, маҳалла фуқаролар йиғинлари ўртасида тренинглари, семинарлар ва ҳуқуқий ўқувлар сингари тадбирларни изчил ўтказиб бориш зарур.

Фракция аъзоларининг айрим учрашувлари шуни кўрсатдики, фуқаролар йиғинлари раислари орасида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг мазмун-моҳиятини чуқур англаб етмаган, натижада ўз ҳуқуқидан тўлиқ фойдалана олмаётганлари бор.


→ 3

## Жаҳон чемпионатида Ўзбекистон вакили

Миллиардлаб кишилар ҳаяжон билан кутган дунё футбол байрами — ҳамюртимиз, истеъдодли ҳакам **Равшан ЭРМАТОВ**нинг ҳуштаги билан бошланди. Майдонга биринчи бўлиб мезбон — Жанубий Африка Республикаси ва Мексика миллий терма жамоалари тушди. Учрашувнинг биринчи бўлимида мөҳмонлар мезбонларга нисбатан бироз фаолроқ экани кўриниб турди. Бироқ танаффусдан сўнг 56-дақиқада жанубий африкаликлар вакили

Тшабалала ўйинда ҳисобни очишга муваффақ бўлди. Мексика футболчилари бундан саросимага тушмай, уюшқоқлик билан тўп суришда давом этди. Натижада 79-дақиқада Рафазель Маркес ҳисобни тенглаштирди — 1:1.

Ўйин тугаши билан интернет орқали Равшан Эрматов билан боғландик. Табриклар ва айрим саволларга жавоб олишга муваффақ бўлдик.



→ 4

Бугунги кунда дунёдаги ҳеч бир муаммони алоҳида бир давлатнинг саясат-ҳаркати билан ечиб бўлмайди.

→ 2

«Одам савдоси нима ва у қимлар томонидан, қандай мақсадда амалга оширилади?» Давра суҳбатида ушбу савол атрофида муҳокама этилди.

→ 3

Пойтахтимизда «Фуқаролик процессида вакилик институти: Ўзбекистон ва Германия тажрибаси» мавзусида семинар ташкил этилди.

→ 3

Муддатли ҳарбий хизматни ўташ даврида аъло натижаларга эришган аскарларга берилган Тавсияномага кўра, ўқшга кириш вақтида энг кўп баллини 25 фоизи қўшилади.



→ 4



ГАЗЕТАЛАРИМИЗГА  
ЙИЛНИНГ  
ИККИНЧИ ЯРМИ  
УЧУН ОБУНА  
ДАВОМ ЭТМОҚДА!  
ВАҚТНИ БОЙ  
БЕРМАНГ!

ОБ-ҲАВО 12-13.06.2010

	БУГУН	ЭРТАГА
Тошкент	34°C	36°C
Самарқанд	36°C	37°C
Нукус	37°C	39°C
Қарши	39°C	40°C
Урганч	38°C	39°C
Навоий	37°C	39°C
Фарғона	35°C	36°C
Бухоро	37°C	39°C
Анджон	35°C	36°C
Наманган	35°C	36°C
Термиз	40°C	41°C
Жиззах	36°C	37°C
Сирдарё	36°C	37°C
Тошкент вил.	36°C	37°C
Лондон	23°C	25°C
Париж	29°C	30°C
Москва	19°C	21°C
Мадрид	30°C	32°C
Пекин	20°C	25°C
Гонгконг	30°C	31°C
Рим	29°C	30°C
Анкара	27°C	29°C
Токио	22°C	25°C
Стокгольм	19°C	21°C
Кейптаун	25°C	23°C
Қоҳира	30°C	33°C
Гавана	38°C	40°C
Вашингтон	28°C	30°C

O'zbekiston havo yo'llari

TOSHKENT  
XALQARO  
AEROPORTI

Хизматлар  
лицензияланган

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKINING 2010 ЙИЛ 8 ИЮНДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

1 Австралия доллари	1289,21	1 Миср фунти	279,69	1 СДР	2317,85	10 Жанубий Корея воени	12,84
1 Англия фунт стерлинги	2287,31	1 Канада доллари	1489,76	1 Туркия лираси	983,77	10 Япония иенаси	173,76
1 БАА дирҳами	431,70	1 Хитой юани	232,14	1 Швейцария франки	1359,00	1 Россия рубли	51,03
1 АҚШ доллари	1585,55	1 Малайзия рингити	475,50	1 Евро	1942,07	1 Украина гривнаси	200,06

\* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маъмур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.





